

ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА АГРАР СИЁСАТИ (1870-1900 ЙИЛЛАР)

**Фарғона давлат университети
Магистратура бўлими бошлиғи Қ.Сулаймонов
Фарғона давлат университети
2 курс магистранти
Хошимова Мохира Набижоновна**

Аннотация: Ушбу мақолада Россия империяси истилосидан сўнг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистонда амалга оширилган ер-сув ислоҳотлари, қишлоқ хўжалигининг ахволига оид айrim маълумотлар берилган. Тадқиқот ишининг мақсади Туркистонда олиб борилган мустамлака аграр сиёсатини чуқур таҳлил қилган ҳолда аниқ илмий маълумотларни кўрсатиб беришдан иборатдир.

Калит сўзлар: аграр муносабатлар, кўчмас мулк, ер солиғи, қишлоқ хўжалиги, ер фонди.

Annotation: This article provides some information about the state of agriculture and land-water reforms implemented in Turkestan in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century after the conquest of the Russian Empire. The purpose of the research work is to provide accurate scientific data with an indepth analysis of the colonial agrarian policy conducted in Turkestan.

Key words: agrarian relations, real estate, land tax, agriculture, land fund.

Маълумки Россия империяси томонидан босиб олинган Туркистон ҳудуди ижтимоий-иқтисодий хаётида XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўрта Осиё хонликларини бирин-кетин босиб олаётган чор Россияси томонидан Кўқон хонлиги забт этилгач, генерал Кауфман яна ўзининг аввалги сиёсатини давом эттирди. Кўқон хонлиги босиб олингандан кейиноқ, яъни 1876 йилнинг кузидан бошлаб Туркистонда “Ер, солик ҳамда

вақф масалалари билан шуғуланувчи комиссия” иш бошлади. Генерал Кауфман раҳбарлигидаги Туркистон генерал губернаторлиги маъмурияти “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомини тайёрлади ва 1886 йили у подшо ҳукумати томонидан тасдиқланди.¹

Бу низомга кўра мустамлакачилик сиёсати ва мустамлака режими қонун йўли билан мустахкамланган эди. Унинг асосида рус маъмурлари ўлка меҳнаткаш аҳолиси ерларининг анча қисмини мажбуран тортиб олиб, рус оиласига бериш учун ер фондини туздилар. Солиқлар кўпайтирилди, дехқонлар даромадининг 10% миқдорида ер солиги ва умумий ўлпонларнинг 35 фоизи ҳажмида земство йифими жорий этилди.²

Шунингдек, аграр сиёсатни қучайтириш мақсадида XIX аср охири XX асрнинг бошларига келиб, дехқонларга бевосита қарз бериш ва пахтани ҳақиқий баҳосида сотиб олиш йўлга қўйилди. Пахтачилик саноатининг бошланғич даврида пахта тайёрлаш, фабрикаларни хом-ашё билан таъминлашни фирмаларнинг ўзи амалга оширади. Пахта хом ашёсини тўлмай қолган қисми олиб сотар комиссионерлар воситачилиги орқали тўлдириларди. “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом(1886)” нинг 262-моддасида Туркистонда, унинг чегарасидан ташқарисида яшовчи Россия таабалигига ва маҳаллий аҳолига мансуб бўлмаган фуқароларга ҳамда насроний динида бўлмаган шахсларга Туркистонда ер, умуман кўчмас мулклар сотиб олиш тақиқлаб қўйилди.³ Ушбу Низомнинг 262-моддасига 1894 йили киритилган ўзгартиришга мувофиқ, Туркистонда ер ва кўчмас мулк сотиб олиш факат пайчилик шаклидаги ширкатлар ва акциядорлик жамиятларига, шунингдек, улар

¹ Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Наманган. «Наманган» нашриёти 2005й., -Б.24

² Ўзбекистон тарихи. Р.Шамсутдинов, Х.Мўминов. Тошкент. «Академнашр» 2019й., -Б.300

³ Положение об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2. Ст. 262. – Санкт-Петербург, 1886. – С. 33.

Низоми асосида фақат насроний динидаги рус таабаларидан, насроний бўлмаган шу ерлик аҳолидан иборат бўлган ёки келиб чиқиши Туркистон ўлкаси билан чегарадош бўлган Ўрта Осиё давлатларидан бўлган шахсларгагина рухсат этилади. Низомда хорижлик бўлган ёки яхудий динига эътиқод қилувчи шахсларга кўчмас мулк сотиб олиш тақиқланган. Жойларда уларни фақат вақтинча фойдаланиш учун сотиб олишга рухсат берилиши кўрсатиб ўтилган.

Туркистоннинг географик жойлашуви, иқлим шароити ва тупроқ унумдорлиги яхши бўлганлиги, бу худуд қишлоқ хужалиги ва аграр муносабатларнинг ривожланиш жихатидан аҳамиятли эди. Бу даврга келиб, Туркистонда табиий географик шароитлар турлича бўлганлиги учун маҳаллий дехконлар турли хил сунъий суғориш усусларидан фойдаланганлар. Дехқонлар одатда ховузларда сув тўплаш, каналлар ва ариқлар қазиш йули билан экин майдонларига сув келтирган. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги суғорма дехқончилик ривожланган худудлари тўғрисида “Туркестанский сборник” (Туркистон тўплами) тў плами материаларида кўплаб маълумотлар учрайди. Бу ҳақида С.Ф. Костенко ўзининг “Туркестанский край” номли мақоласида алоҳида тўхталиб, “XIX асрнинг 80 йилларида Туркистон ўлкаси бошқа худудларида Ўрта хисобда ҳар 100 десятина (1 десятина - 1,09 гектарга тенг) ердан 2,06 десятина дёхкончилик учун фойдаланилган каби маълумотларни келтириб ўтади.⁴

Россия империяси Туркистонда мустамлакачилик қишлоқ хужалигини ҳар томонлама жонлантириш учун янада кенг тадбирларни амалга оширди. Хусусан, 1894 йили “Давлат мулклари министрлиги” “Ер ишлари ва давлат мулклари министрлиги”га айлантирилди. Суғориш ва мелиорация ишларини олиб бориши учун министрликда “Ерларни обод қилиш бўлими” (Отдел земельных

⁴ Жабборов М. Р. Фаргона вилояти тарихининг “Туркестанский сборник”да ёритилиши (XIX аср охири - XX аср болари). т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... - Тошкент; 2000., -Б. 23

улучшений, қисқача ОЗУ) ташкил қилинди. Туркистанда шу министрлик бошқармаси ва ирригация ишларига раҳбарлик қилиш, юқоридан бўладиган топшириқларни бажариш учун бу ишлар бўйича иккита чиновник лавозими ҳамда алоҳида гидротехник, бўлим жорий этилди. Шу даврдан бошлаб янги ерларни ўзлаштириш, янги каналлар чиқариш мақсадида кенг текшириш сиёсатини янада кучайтириш, шунингдек, ўлканинг қулай аграр имкониятларидан фойдаланишга қарор қилди.⁵

Чор ҳукумати махаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига қарамай, давлат ерини кенгайтиришга қаратилган сиёсатини юргизаверди. Шунингдек, кўчириб келтирилган рус, украин ва беларус миллатига мансуб аҳолининг сунъий суғорма дехқончилик борасида тажриба етишмаслигини хисобга олиб комиссия уларни имкон қадар лалми ер майдонлари мавжуд бўлган ҳудудларга жойлаштиришга ҳаракат қилдилар. Махаллий аҳоли вакиллари ҳусусан, 1891 йил Тошкент шахри ва Сирдарё вилоятининг аҳолиси маъмурият вакилларининг ер масаласида юритаётган нотўғри сиёсати ҳақида императорга шикоят хатини юборадилар: Ер ўлчовчилар ва уезд бошлиқлари томонидан ҳар бир ер эгаси, агар сотиб олинганлиги тасдиқловчи хужжати бўлмаса, у вақтда жамоа ахли билан бирга солиқ тўланиши ҳақида кўрсатма олинди. Бундай ерлар жамият ерларига айлантирилиб, солиқни якка тартибда тўлаш тақиқланар эмиш. Яйловлар ва пичанзорлар орасидаги қаровсиз ётган ерлар ҳамда тўқайзорлар давлатники бўлар эмиш. Яна, тоғ бағридаги лалмикор ерлар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилар эмиш” мазмунидаги арзнома юборилади лекин бундан ҳеч қандай наф бўлмайди. Аҳолининг қаршилигига қарамасдан қўплаб унумдор ерлар рус дехқонларига махаллий дехқонлардан тортиб олиб берилди. Биргина Каспийорти вилоятида 10318 десятина ер кўчириб келтирилганларга тақсимлаб

⁵ Ж а л и л о в С. Фаргона водийсининг сурорилиш тарихидан. УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1977.-Б.137

берилди.⁶ Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Россия империясининг 1870-1900 йилларда амалга оширган аграр ислоҳотлари тўлиқлигича мустамлака кўринишига эга ва бу жараёнларда маҳаллий аҳоли вакилларининг манфатлари ва мулкий ҳуқуқларига нисбатан беписандлик билан қаралди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Туркистондаги вакф мулклари тарихи. Наманган. «Наманган» нашриёти 2005й., -Б.24
2. Ўзбекистон тарихи. Р.Шамсутдинов, Х.Мўминов. Тошкент. «Академнашр» 2019й., -Б.300
3. Положение об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2. Ст. 262. – Санкт-Петербург, 1886. – С. 33.
4. Жабборов М. Р. Фаргона вилояти тарихининг “Туркестанский сборник”да ёритилиши (XIX аср охири - XX аср болари). т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... - Тошкент; 2000., -Б. 23
5. Ж а л и л о в С. Фаргона водийсининг сурорилиш тарихидан. УзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1977.-Б.137
6. Хамид Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Тошкент-1998.-Б. 364

⁶ Хамид Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Тошкент-1998.-Б. 364